



ТО'ХТШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 10 МАЙ, ЯКШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 99 (12.912)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎТГАНЛАРНИ ХОТИРЛАШ, КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Хотира – ўтганларни эслаб туради, ўзликни англатади. Қадр – инсонни улуғлайди, жамиятни безайди. Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу тамойиллар мужассам.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжихатлик ва бағрикенглик мустақам қарор топди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат туйғулари одамлар қалби ва шуридан чуқур жой олди. Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафарларимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Нуронийларнинг саломатлигини мустақамлаш, ҳаётини мазмунли қилиш, кўнглини кўтариш йўлида амалга ошириб келинаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида асосан уларни ижтимоий ҳимоялаш кўлами янада кенгайди. Хусусан, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари йилига бир марта санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб номланди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида ёши улуғ инсонларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, тизимли асосда соғломлаштириш каби хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги ҳамда 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонлари кексаларимизга кўрсатилаётган эъзоз ва эҳтирмининг мантиқий давоми бўлди. Мазкур фармонларга мувофиқ уруш қатнашчилари ва ногиронларга юбилей медаллари, пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 14 апрелда қабул қилинган «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони нуронийларимизга қўшимча рағбат, катта руҳий мадд бўлди.

Бу йил Хотира ва қадрлаш куни Кексаларни эъзозлаш йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширмоқда. Байрам «Жасорат, бурч, матонат» шиори остида кенг нишонланмоқда.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусика таралади.

Соат 14:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Бугун Ватанимиз, халқимиз Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган Галабанинг 70 йиллигини кенг нишонламоқда, – деди Ислон Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. – Ана шу буюк сана билан аввало урушда қатнашган, мардлик ва жасорат кўрсатган барча уруш фахрийларини, шулар қаторида фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни, бугун халқимизни табриклаш, уруш майдонларидан қайтмаган, бугунги мусаффо осмонимиз учун жон берган ватандошларимиз хотираси олдида бош эгиш бурчимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бугун ҳеч кимга сир эмас: миллион-миллионлаб одамлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган бу уруш инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини бу дунёда ҳеч ким унутмайди. Ва фашизм устидан қозонилган галаба нақадар қимматга тушганини юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси одам ана ва яна бир бор англаши, қалбидан ўтказиши табиийдир, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистонда ўша пайтда 6,5 миллион халқ яшаган бўлса, шунинг 1,5 миллиондан кўпроги урушда қатнашганининг ўзи, қисқа қилиб айтганда бўлса, барча эркаклар, мардларимиз қўлга қўриқ олиб, ягона душманамизга қарши чиққанидан далolat беради.


Қарийб ярим миллион юртдошларимиз шу урушда ҳалок бўлган, қанча-қанча ногирон, майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанча-қанча аёллар бева, болалар етим бўлиб қолганини ҳар қайси оила ҳали-бери эсидан чиқармайди. Бошқача қилиб айтганда, юртимизда бирорта хонадон йўқми, ана шу муҳим урушнинг жабрини ўрта бошидан ўтказмаган бўлса. Халқимиз айни шундай оғир вазиятда кўнги – кун, тунни – тун демасдан, машаққатли меҳнат қилиб, фронт учун, галаба учун муносиб ҳисса қўшгани ҳеч эсимиздан чиқмайди, деб таъкидлади Президентимиз.

Уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга қўчирилган 1 миллионга яқин оила ва болаларни эл-юртимиз қабул қилгани, охириги бир бурда нонини ҳам улар билан баҳам қургани, «Сен етим эмассан» деб, уларнинг барчасини ўз бағрига олиб, нафақат бошлана бергани, ўз қалбини очиб, меҳр-муруват кўрсатганини унутиб бўладими ўзи?!

Ҳар қайси халқнинг одамлилиги ва маънавий қадриятлари, меҳр-оқибат ва олижаноблиги ана шундай унутилмас даamlарда яққол намойён бўлади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Бизнинг ота-боболаримиз бешафқат жанг майдонларида мардлик ва матонат кўрсатгани учун уларнинг 338 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамонлиги унвонига сазовор бўлгани, минг-минглаб юртдошларимиз жанговар орден ва медаллар билан тақдирлангани – буларнинг барчасини халқимизнинг фашизмга қарши курашда кўрсатган жасорати ва ботирлигининг амалий намойиши деб биламиз.

Вакт ўтади, замонлар ўтади, деди Ислон Каримов, лекин Ватан озодлиги ва эркинлиги, эл-юртимизнинг тинч ва осуда



ҳаётини ҳимоя қилишда курашиб жон берган ўғлонларининг номлари ва хотираси кўпни қўрган, ҳеч қачон ёвуз душман олдида бош эгмаган халқимизнинг ёдида умрбод, абадий сақланади. Бу фазилат эл-юртимизнинг эзгу одати, қадриятига айланиб кетган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бундан 17 йил олдин 9 май – Галаба кунига юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб ном бериб, нақадар тўғри иш қилганимизни вақт ўтиши билан бугун ҳаётнинг ўзи тобора тасдиқлаб бermoқда.

Бунинг яққол ифодасини пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг марказида ва жойларда барпо этилган Хотира майдонлари айни шу қулашда урушдан қайтмаганларни эслаш, уларнинг хотираси, арвоқлари олдида бош эгиш учун келган ёшу қарилар, аҳолимиз ва чет эллик меҳмонлар билан гавжум бўлганида қўриш, кузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, энг аввало бизнинг эътиборимиз марказида турган энг шарафли вазифамиз – урушда қатнашган, бугун сафимизда бўлган, ҳар қадамда бизни қўллаб-қувватлаб келётган фахрийларимиз ҳақида алоҳида гаплашиб олишимиз зарур, деб биламан.

Уйлаيمانки, ҳаммамиз яхши биламиз – биз яшаётган ҳаёт – бу оқар дарё, дейди халқимиз. Яъни, бошқача айтганда, бу дунё ганимат эканини эсимиздан чиқармасдан, бешафқат урушда қатнашган, фронт ортида ўзини аямасдан меҳнат қилган ватандошларимизни қадрлаш, эъзозлаш, умрини ўзайтириш, уларни эслаб, ҳолидан хабар олиш, руҳини кўтариш – бундай эзгу ишлар барчамизнинг энг олижаноб бурчимиз бўлиши шарт.

Бу аввало раҳбарларнинг, вазифада ўтирганларнинг бурчи эканини, улар фахрийлар билан тез-тез учрашиб туриши, илоҳи борича уларнинг ҳаётидаги муаммоларини ечимини топиши, бундай амалий эътиборнинг аҳамиятини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги зарур, деди Ўртбошимиз.

Бу борада Кексаларни эъзозлаш йили, деб ном олган жорий йилда, жумладан, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан мамлакатимизда қандай кенг қўламли, катта чора-тадбирлар амалга оширилаётганини халқимиз, аввало ҳурматли фахрийларимиз яхши биладилар.

Лекин ҳаёт дегани муаммосиз бўлмайди. Шу маънода, ёши улуғ инсонларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий, маънавий шароитларини янада яхшилаш биз учун доимо долзарб вазифа сифатида туриши даркор.

Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик ва барҳаётдир.

Ҳеч шубҳасиз, Улуғ Ватан урушида барча халқлар билан бирга бўлиб, фашизм балоси устидан қозонган Галабамизни, бу урушда халқимиз кўрсатган матонат, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини авлодларимиз асло унутмайди, жанг майдонларида бизнинг ўғлонларимиз нимага қодир эканини доимо ғурур ва ифтихор билан эслайди, деди Ислон Каримов.

Шу борада биз ҳаётимизнинг бир ҳақиқатини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Ана шу бешафқат урушда, жанг майдонларида қурбон бўлган ота-боболаримиз қандайдир тепалик ёки қандайдир «улуғ доҳий» учун эмас, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон берган, «Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни ана бир бор кўрсам», деб ҳаётдан кўз юмган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мана шундай ўз юртини севиш, бетақор она Ватанига садоқатли бўлиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилат, десам, адашмаган бўламан.

Истиқлол даврида тугилиб вояга етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, тугилган тупроқини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ кўни учун бутун борлигини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши – буларнинг барчаси бугун хал қилувчи кунга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айлانгани ҳаммамизга ишонч ва қўч-қувват бағишлайди, деди Ўртбошимиз.

Мана шу даҳшатли уруш ҳаёлимиздан ўтар экан, ана бир ҳақиқатни айтмасдан ўтишга ҳақимиз йўқ.

Гап бошимиздан кечирган қонли ва бешафқат уруш бошқа ҳеч қачон қайтмаслиги, бундай фожиа ва қирғинларнинг олдини олиш ва улардан одамзотни асраш ҳақида кетмоқда.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтиш керак: бизнинг халқимиз кўпчилик халқлар қатори нимани истайди, нимани хоҳлайди – бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак! Эртанги кунимиз ёруғ, осмонимиз мусаффо бўлсин, барчамиз ўз орзу-ниятимизга етайлик!

Бизга, қолаверса, ер юзидаги барча халқларга ана шундай, бир қарашда жуда оддий, лекин аниқ нарсалар керак!

Аммо, минг афсуски, деб таъкидлади Президентимиз, бунинг ўрнига бугун шиддат билан ўзгариб, тобора кескинлашиб бораётган дунёда, узоқ ва яқин атрофимизда бунга тескари воқеалик, вазият ҳатарили тус олмақда ва барчамиздан бепарволикка йўл қўймасдан, доимо оғох, сезгир ва ҳушёр бўлишни замонамизнинг ўзи талаб қилмоқда.

Жаҳоннинг турли минтақа ва ҳудудларида қарама-қаршилик ва зиддиятлар, қонли можаролар, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда, қулашда деган бало ана бош кўтармоқда, миллатчилик, шовинизм сингари офатлар майдонга чиқмоқда.

Бутун инсониятни ташвишга солаётган бундай мураккаб шароитда барча тинчликсевар қўларининг сайй-ҳаракат ва имкониятларини ягона мақсад йўлида сафарбар этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгаши ва бошқа нуфузли халқаро институтларнинг ўрни ва таъсирини кучайтириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тобора кескинлашиб бораётган бундай вазиятда, таҳдид ва хатарларни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг Ўзбекистонимиз олиб бораётган сиёсат халқимизга яхши маълум. Яъни, биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлашни ўзимизнинг биринчи даража вазифамиз, деб биламиз.

Биз дунёнинг турли ўлкаларида давом этаётган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақатгина сиёсий йўл билан, тинчлик йўли билан ҳал этиш тарафдоримиз, деди давлатимиз раҳбари.

Биз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудидан чет эл ҳарбий базаларининг жойлашуви, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз бугун, ҳақиқатан ҳам, қандай гузал, бетақор заминда яшаймиз. Шу маънода, «Биз кеча қим эдигу бугун қим бўлдик?» деган саволни олдимизга қўйиб, ҳозирги ҳаётимизни кечаги кунимиз билан солиштирадиган, қийинлашган бўлса, ўйлаيمانки, орамизда Ватанимизнинг бугунги тараққиёти билан фахрланишга, бундан қадрламайдиган одамнинг ўзи йўқ, десам, адашмаган бўламан.

Олдимизда турган энг устувор вазифалар ҳақида гапирадиган бўлсак, деди давлатимиз раҳбари, энг муҳими, барчамизнинг бошлаган ишларимизнинг давомчиси бўлган, барча масъулиятимизни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фарзандларимиз – ўшларимиз, янги авлодларимизга равон йўлларни очиб беришга эътиборимизни янада кучайтиришимиз зарур ва уларни ҳар қандай бало-қазолардан асрашимиз керак.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда тадқиқот ўтказилди ва унинг натижалари матбуотда эълон қилинди.

Ана шу тадқиқотга кўра, Ўзбекистонимиз мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган.

Бу ниманинг далолати, бу ниманинг исботи?

Бу авваламбор мустақиллик даврида биз эришган улкан марраларни, иқтисодиётимиз барқарор суруятлар билан ривожланаётгани; одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётгани ва бу ютуқларни дунё ҳамжамияти ана бир бор тан олаётганини кўрсатади, деб таъкидлади Президентимиз.

Энг муҳими, буларнинг барчаси кўпни қўрган, эртанги кунга катта ишонч билан яшаётган, иродаси бақувват, иймони бутун халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонатининг натижасидир.

Буларнинг барчасини Ўзбекистонимиз Оллоҳнинг назари тушган табарруқ юрт эканининг, Худонинг ўзи йўлимизни очиб бераётганининг тасдиғи деб биламиз.

Бизнинг тилагимиз, истагимиз шуки, Яратганимиз биздан ўз марҳаматини дариг тутмасин, ёмон кўзалардан ўзи асрасин, эзгу ишларимизда доимо ўзи мададкор бўлсин, деди пировардида Ислон Каримов.

Шу кун Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларининг порлоқ истиқболи учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

ЖАСОРАТ, ҚАҲРАМОНЛИК ВА МАТОНАТ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2015 йил 8 май кунин Москва шаҳрига ташриф буюрди ва Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Галабанинг 70 йиллиги бағишланган тадбирлар доирасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида жанг-гоҳларда жонини фидо қилиб, ер юзида тинчлик ва озодлиқни ҳимоя қилган барча инсонларнинг мислсиз жасорати, қаҳрамонлиги ва матонати хотирамизда ҳамisha сақланиб қолишини таъкидлади.

Ислон Каримов Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабага Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшганини алоҳида қайд этди. Ўша йиллари республикада яшаган 6,5 миллион кишидан 1,5 миллиони фронтга кетган. Қарийб 500 минг юртдошимиз жанг майдонларида ҳалок бўлган, минглаб ўзбекистонликлар бедарак йўқолган, кўплари майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани эътиборга олинадиган бўлса, халқимиз урушда қанча талафот қўрганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Уруш йиллари не-не азоб-уқубатларни енгиб ўтиб, босиб олинган ҳудудлардан эвакуация қилинган миллиондан ортиқ одамлар, шу жумладан, икки юз мингга яқин етимлар, болалар, ўсмирларга бошпана бериб, охириги нонини ҳам баҳам қўрган Ўзбекистон халқининг олижаноблиги ва бағрикенглигини бугун мамнуният билан эсга оламиз.

Шафқатсиз урушда ҳалок бўлган ва бедарак кетган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг номлари Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ташкил этилган Хотира китобига зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Маълумки, мамлакатимизда 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинган. Бу борада ёши улуғ инсонлар, авваламбор, фашизм устидан қозонилган галабага муносиб ҳисса қўшган уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган Давлат дастури қабул қилинди.

Ислон Каримов шу кунларда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида аҳоли кенг қатламлари иштирокида Галабанинг 70 йиллигига бағишланган тантанали юбилей тадбирлари ўтказилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу даҳшатли урушдан бугун зарур сабоқ чиқариш гоят муҳим эканини қайд этди. Уруш бошланишига ким ёки нима сабаб бўлишидан қатъи назар, бундай урушнинг такрорланиши ёхуд янгисининг бошланиши, шубҳасиз, жаҳондаги энг сўнгги уруш бўлишини соғлом фикрли барча инсонлар яхши тушунади.

МДХ давлат раҳбарларининг Москва учрашувида томонлар Ҳамдўстлик олдида турган масалаларни, олий даражада ўтказиладиган тадбирлар режасини қўриб чиқди, қатор долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

(ЎЗА)

(ЎЗА)

Жасорат, бурч, матонат



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Шиблий маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мухтор ота Расулов ҳар тоғни тинч-хотиржам, шукрона билан бошлаб, бугунги ош, саодатли кунларимиз энг катта бахт эканини такрорлашдан қарчамайди.

САОДАТЛИ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

...М.Расулов мактабда физика ва математика фанларини пухта ўзлаштиргани учун Тошкентдаги педагогика билим юртига имтиёзли қабул қилинади. Шундан сўнг ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети математика факультетининг сиртки бўлимида тахсил олади. У Тошкент вилояти Пискент туманидаги умумтаълим мактабларига ишга жўнатилади.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, Мухтор Расулов ҳарбий хизматга чақирилади. У Воронеж ҳарбий учувчилар билим юртида учувчилик сирларини ўрганади. Уруш тугагандан сўнг ўз сафдошлари билан ҳарбий академияда тахсил олади.

Тошкентга қайтган М.Расуловни Фарғона вилоятига ишга юборишади. Сўнг ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг иқтисодиёт факультетида ўқини давом эттиради. Ўқини тамомлагач, университетда ўқувчи, ҳозирги Фарғона давлат университети ҳамда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтиди турли масъул лавозимларда меҳнат қилади.

Жонқуяр олим, фидойи устоз Мухтор Расулов бугун тўқсон уч баҳорни қаршиламакда. Турмуш ўртоғи Санобар ая билан етмиш йил ҳамфикр ва ҳамжиҳат яшаб, тўрт ўғилни воёга етказди. Ҳозир пир бўлаётган отахон ва онахон набира келинлар ва чеваралари ардоғида.

Санобар ая ҳам узок йиллар турли олий ўқув юртилариди йигит-қизларга иқтисод назарияси фанидан дарс берган.

— Бобом уруш йилларининг азоб-ўқубатларини сўзлаб берганида доимо кўзларида ёш

қалқийди. Шундай вақтларда «Бугуннинг қадрига етинглар, болаларим, биз кўрган қийинчиликларни сизлар кўрманглар», деб таъкидлайди, — дейди Диёра Мухторова. — Аммо ҳар гал дорилмон кунлар, кексаларга кўрсатилаётган эътибор ҳақида сўзланганда севингандан яшариб кетади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушида» 70 йиллиги» эсдалик юбилей медал билан мукофотлаш тўғрисида»ги ҳамда 2015 йил 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонларига мувофиқ яқинда эл эъзозидидаги фахрийга Президентимиз номидан эсдалик юбилей медал ва пул мукофоти топширилди. Бундан отахоннинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

— Фарзандларим, шогирдларим камолини кўраётганимдан, биз, кексаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан беҳад мамнунман, — дейди Ў.А. муҳбирга Мухтор ота. — Президентимиз, халқимизнинг ардоғида ҳаёт кечираётганимиз ёшларга ибрат бўлишга, ҳаётий тажрибаларимизни улар тарбияси йўлида сарфлашга руҳлантирмакда. Шогирдларим, маҳалладошлар доимо йўлаб туришди. Улар билан суҳбатлашиб, куч-ғайратим ошади. Илоҳим, бизга эҳтиром кўрсатган инсонларнинг ўзлари ҳам улғў ёшларга кириб, доимо элимиз ардоғида бўлсин, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка кўз тегмасин.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРА МУҚАДДАС

Нуронийлар қадрланган ва эъзозланган юртда қут-барака, фаровонлик бўлади. Хотира ва қадрлаш кун арафасида мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига моддий ҳамда маънавий кўмак кўрсатилаётгани уларга куч-қувват, катта мадад бағишлайди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Камолот»да меҳмонда» лойиҳаси доирасида ташкил этилган «Инсон ази, хотира муқаддас» номли он-лайн мулоқотда шулар ҳақида сўз юритилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, таниқли санъаткорлар, ижодкорлар, спорт усталари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларда юртимиздаги тинч-осуда ҳаёт муҳим омил бўлаётгани, ёшларимизни

она Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда кекса авлод вакиллари алоҳида ўрин тутиши таъкидланди.

— Ўтганларни хотирлаш ва кексаларни улуғлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан, — дейди Ў.А. муҳбирга Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девонов. — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг жасорати ва фидойилиги ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида алоҳида ўрин тутди. Жангхорларда тинчлик ва озолик учун кураш-

ган, эл-юрт маъмуриги йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийларнинг ҳаёти бугунги ёшлар учун ҳақиқий ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Онлайн мулоқотни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган, хорижда тахсил олаётган, www.kamolot.uz сайтида рўйхатдан ўтган минглаб ёшлар, сайтнинг доимий ўқувчилари кузатиб борди. Мулоқот давомида интернет орқали келиб тушган саволларга тадбир иштирокчилари жавоб қайтарди.

Ф.ИБОДОВА

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида бадий-ҳужжатли ретроспектив кўргазма очилди.

ТИНЧЛИКНИНГ БЕБАҲО ҚАДР-ҚИММАТИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Республика Марказий давлат архиви, Бадий кўргазмалар дирекцияси ва бошқа ташкилотлар, галерейлар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазманинг очилишида уруш ва меҳнат фахрийлари, моҳир мусаввир ва ҳайкалтарошлар, олий таълим даргоҳлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Исроҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, жамиятдаги бағрикенглик, меҳр-мурувват муҳитини мустаҳкамлаш масалаларига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш кун сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Қўлғу айём арафасида Иккинчи жаҳон уруши даврида осуда ҳаёт, мусавфо осмон учун жон фидо этган боболаримизнинг азиз хотирасига яна бир қарра ҳурмат келтириш, бугунги кунда умргузаронлик қилаётган уруш фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга доир эзу ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда.

Суронли жангхорлардан Ўзбекистонга минглаб одамлар, кексалар, аёллар, болалар эвакуация қилинган. Ўзбек оилалари турли миллат ва элат вакиллари билан иборат болаларга ўз хонадонидан жой берган. Юртимиздаги меҳнат жамоалари, қорхоналар, завод ва фабрикалар фронтнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Мазкур кўргазмада урушнинг инсоният бошига келтирган қулфатлари, ғалаба учун кечган жанглар, фронтоти фидойиларининг заҳматли меҳнати акс эттирилган картиналар намойиш этилмоқда. Тарихий фотосуратлар, плакатлар, бадий-ҳужжатли материаллар кўргазманинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилмоқда. Л.Абдуллаев, Р.Аҳмедов, Р.Чориев, Ю.Гусейнов, В.Жданов, Д.Имомов, Ю.Стрельников, А.Перов, С.Раҳметов каби кўплаб мусаввирларнинг рангбаранг картиналари тинчликнинг қадрига етишга ундаши билан аҳамиятлидир.

— Ушбу кўргазма ёшларимизни дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга теранроқ назар солишга, доим шукроналик туйғуси билан яшашига ундайди, — дейди Ў.А. муҳбирга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Хасан Аминов. — Айни пайтда кўргазма материаллари тарихдан тўғри сабоқ олиб, тинч-осойишта, озода ва обод Ватанимизни, бахтиёр ҳаётимизни, истиқлолнинг улкан имкониятларини қадрлашга қорлайди.

Н.УСМОНОВА

ҚАДРЛАНГАНЛАРНИНГ ҚАДДИ ДОИМО БАЛАНД

Тошкент давлат юридик университети ҳамда Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ўтказилган «Хотираси уйғоқ халқнинг қадри доимо баланд» деб номланган маънавий-материй тадбирда нуроний отахонлар, меҳнат фахрийлари, ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Тошкент давлат юридик университети ректори Е.Каньязов, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуронов ва бошқалар Президентимиз Исроҳ Каримов раҳнамолигида кексаларни, уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Университет жамоаси томонидан уруш даврида оғир қийинчиликларга мардона бардош бериб, ватанпарварлик, фидойилик каби инсоний қасдларни намоён этган фахрийларимиз ҳолидан хабар олиш яхши аниёнага айланган. Байрам арафасида талабалар пойтахтимиздаги уруш ва меҳнат фахрийлари, имконияти чекланган оилалар, ногиронларнинг уй юмушларига кўмаклашмоқда. Йигит-қизлар кексаларимизнинг бой ҳаётий тажрибалари, панду насиҳатларидан баҳраманд бўлаётир.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари тинч-осойишта ҳаётнинг қадри, оғоҳликнинг зарурияти, фаровон турмушнинг ҳикмати, фидойилик каби инсонийлик қасдлари хусусида ёшларга сўзлаб берди.

— Ўтганлар хотирасини эъзозлаш, кексаларга иззат-ҳурмат кўрсатиш халқимизга хос қасдлардан, — дейди университет Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Бобожонов. — Бу каби икки авлод учрашувлари ёш авлоднинг ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат руҳида тарбиялаш, аниёна ва қадриятларни асраб-авайлаш, улар қалбиди Ватанга садоқат, хайру саховат, миллий қадриятларга ҳурмат каби қасдларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда университетнинг фахрий профессор-ўқитувчиларига эсдалик совғалари топширилди.

(Ў.А.)

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Сувдан фойдаланишда тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Фозилов ҳамда Сув ресурслари баланси ва сувни тежайдиган технологияларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Ш.Қўчқоровлар мамлакатимизда сувни тежаш ва мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтдилар. Бугунги кунда фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдори 20 фоизга, суғориладиган майдонларга ишлатиладиган сувнинг 40 фоизга тежалаётганили бу борада қилинаётган ишлар самарасидир.

Минтақамизда, хусусан, мамлакатимизда ҳам сув ресурсларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Маълумки, республикамизга оқиб келадиган сувнинг 80 фоиздан ортиғи қўшни республикалардаги музликлар ҳисобига шаклланади. Уларнинг ўзбошимчилиги билан, бир томонлама бошқарилиши муаммони янада мураккаблаштирмоқда. Мана шу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда республикамиздаги сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, суғориладиган майдонлардан олинатиладиган ҳосил миқдорини оширган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш талаб этилади.

Мамлакатимизда сувни тежашнинг бир қанча турлари ёрдамида зарур бўлган талаблар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар йили 5 минг километрдан ортиқ суғориш, 12 минг километр коллектор-дренаж, 50 минг километр ариқ тармоқлари тозаланаётган бўлса, 200 километр-

дан ортиқ каналлар, 30 километр лоток ва 500 километр коллектор тармоқлари, 400 дан ортиқ гидротехник иншоотлар ва бошқа кўпгина объектларда реконструкция ва қурилиш ишлари олиб боришмоқда.

Сувни тежаш ҳолда юқори ҳосил олиш мақсадида эгнатга плёнка тўшаб суғориш, ўқариклар ўрнига эгилувчан қувурлардан фойдаланиш, тупроқ остидан, ёмғирлиги ва томчилатиб суғориш технологиялари қўлланиб келинаётир. Ушбу суғориш усуллари орасида томчилатиб суғориш яхши самара бермоқда. Бунда бошқа усулларга нисбатан 20 фоиздан 60 фоизгача

сув тежалади, шу билан бирга, меҳнат ва моддий ресурслар сарфи ҳам камаюди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан 2013-2017 йиллар давомида жами 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими, 45,6 минг гектар майдонда эгнатга плёнка тўшаб суғориш усули ҳамда 34 минг гектар майдонда ўқариклар ўрнига эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этилиши белгиланган.

Анжуманда таъкидланишича, 2015 йилда мамлакатимизда 5347 гектарда томчилатиб, 11293 гектарда эгнатга плёнка тўшаб ҳамда 7628 гектар майдонда кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш усуллари фойдаланиши кўзда тутилган.

Ушбу суғориш технологияларини амалиётга жорий қилиш лойиҳаларини амалга оширишда фермер хўжаликлари ва бошқа ер эгаларида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамжаммасининг кредит линияси ҳисобидан республика бўйича 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Мазкур маблағларнинг тижорат банклари орқали йиллик 6 фоизлик имтиёзли кредит сифатида тақдим қилиниши белгиланган.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олишди.

Абдуалим САЛИМОВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида Тошкент марказий вокзалдан йўлга чиққан «Саломатлик поезди» Сурхондарё вилоятининг Ўзун туманидаги Сарийосиё шахрига етиб келди. Бу ерда ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли ва ногиронларга, тиббий-ижтимоий муассасаларга қиймати 845 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ногиронлик аравачалари, кийим-кечак, дори-дармон, тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари, ўқув қуролларидан иборат мурувват ёрдамлари кўрсатилади.

● Андижон машинасозлик касбхунар коллежида бўлиб ўтган «Очиқ эшиклар кун» тадбирида умумтаълим мактабларининг минг нафарга яқин битирувчиси ва уларнинг ота-оналари иштирок этди. Тадбирда мактаб битирувчиларига коллеждаги мавжуд мутахассисликлар, шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида атрафлича маълумот берилди. Ўқувчилар томонидан тайёрланган бўюмлар, уларнинг ижодий ишлари кўргазмаси, спорт мусобақаси, кўнгилочар дастурлар иштирокчиларга хуш қайфият бағишлади.

● Оғахий номидаги вилоят мусикали драма театрида Хоразм вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Урганч бўлинмаси ҳамкорлигида хайрия тадбири ўтказилди. Унда шаҳардаги 37 та маҳаллада истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, кекса ёшдаги нуроний отахон ва онахонлар иштирок этишди.

● Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида янги суратга олинган «Шунқорлар» фильми ижодкорлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Юртимиз ёшларининг таълим-тарбия олишлари учун яратилган кенг имконият ва шарт-шароитлар, уларнинг ҳар соҳада эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур бадий фильм «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида суратга олинган.

● Нукусда теннис бўйича 1998-2004 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида шаҳар очик биринчилиги ўтказилди. Кексаларни эъзозлаш йили ва 9 май — Хотира ва қадрлаш кун муносабати билан ташкил этилган мусобақада Тошкент шаҳри, Бухоро ва Хоразм вилоятлари, Нукус шаҳри, Амударё, Қораўзак, Чимбой ва Нукус туманларидан келган жами 145 нафар ёш теннисчи иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Сантьяго шаҳридан 2 минг километр жануброқдаги қирғоқда тадқиқот ишларини амалга ошираётган бир гуруҳ хорижлик олимлар томонидан камида 37 та китнинг қирғоққа чиқиб, ҳалок бўлганлиги қайд этилди. Китларнинг оммавий равишда ҳалок бўлишининг сабаби ҳозирча аниқланмаган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай ҳолатлар Чилида илгари ҳам рўй берган.

● Google компанияси Projekt Fi номли янги хизмат турини жорий этганлигини маълум қилди. Унда Sprint ва T-Mobile операторлари томонидан LTE тармоқларида sms, мобил интернет ва овозли алоқа хизматлари кўрсатилади. Тармоқларнинг биридан иккинчисига ўтиш жараёни сигналнинг даражасига қараб автоматик тарзда амалга ошади. Шунингдек, телефонни автоматик тарзда Wi-Fi-нинг очик нуқталарига улаш хизмати ҳам мавжуд.

● Дубай полициясининг юқори технологиялар бўйича умумий бошқармасининг директори Халед Насед эр-Розуқийнинг сўзларига қараганда, ушбу шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматида робот полициячилар пайдо бўлади. Мазкур лойиҳа БААда «Экспо-2020» халқаро кўргазмасининг ўтказилишига қадар, икки босқичда амалга оширилади.

ХАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Қушларнинг сирли ҳаёти». Х/ф.
7.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади».
8.00 «Тахлилнома».
8.40 «Усимликлар ҳаёти». Х/ф.
9.30 «Рухшунос». Т/с.
10.10 «Икким».
10.20 «Ватанпарвар».
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Шаҳар четидаги шифонах».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Зиё» студияси: «Этиқод мустақамлиги йўлида».
14.45 Миллий сериал: «Серхантлар».
15.15 «Ҳаёт». Х/ф.
15.40 «Хотира майдони».
16.05 «Икким».
